


Пойтахтимиздаги “Шаҳриобод”  
маҳалла фуқаролар йиғини  
аҳолиси учун “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН  
– ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ” шиори  
остида маънавий-маърифий,  
маданий тадбир ташкил этилди



16 ноябрь куни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги “Шаҳриобод” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси учун “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ” шиори остида маънавий-маърифий, маданий тадбир ташкил этилди. Унда мазкур институтнинг профессор-ўқитувчилари, санъаткорлар, маданият намояндалари қатнашди.



Ушбу тарғибот тадбирида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти вакиллари томонидан тадбир иштирокчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари, янгиланаётган Ўзбекистондаги янгиликлар ҳақида маълумотлар берилди.

Шунингдек учрашувда ҳалқ манфаатларига қаратилган, давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонлар, давлат дастурлари, уларнинг ижроси тўғрисида сўзлаб берилди.



Мазкур тадбирни янада мазмунли ва ранг-баранг ўтказиш мақсадида институт жамоаси томонидан тайёрланган кенгайтирилган концерт дастури намойиш этилди. Болалар томонидан тайёрланган шарқ яккакураши машқлари тақдим қилинди.



Матбуот котиби